



ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИМКОНИАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

doi doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a67

Остонов Ўткир Янгибоевич -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтини, мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ туризми турларининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари, қишлоқ туризмидан чўқур тадқиқ этиш учун туризм соҳасидаги харажатлар динамикаси ҳамда Самарқанд вилоятида қишлоқ туризмидан ривожланиш ҳолати таҳлил этилган.

Калит сўзлар: қишлоқ туризми, туризм, эркин туризм зонаси, экотуризм, қишлоқ, аҳоли, инвестиция, малакали кадр, кредит, кредит-карта, интернет-савдо, савдо, овқатланиш хизмати, корхона, ҳовли, меҳмонхона.

АНАЛИЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СЕЛЬСКОГО ТУРИЗМА И ЕГО РАЗВИТИЯ

Остонов Уткир Янгибоевич -
Независимый научный сотрудник
Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье анализируются особенности и тенденции развития видов сельского туризма, динамика затрат в сфере туризма на углубленное изучение сельского туризма, состояние развития сельского туризма в Самаркандской области.

Ключевые слова: сельский туризм, туризм, свободная туристическая зона, экотуризм, село, население, инвестиции, квалифицированные кадры, кредит, кредитная карта, интернет-торговля, торговля, общепит, предприятие, двор, гостиница.

ANALYSIS OF INSTITUTIONAL CAPABILITIES OF STATE REGULATION OF RURAL TOURISM AND ITS DEVELOPMENT

Ostonov Utkir Yangiboevich -
Independent researcher of the Samarkand
Institute economics and service

Annotation. This article analyzes the features and trends in the development of types of rural tourism, the dynamics of tourism costs for an in-depth study of rural tourism, the state of development of rural tourism in the Samarkand region.

Key words: rural tourism, tourism, free tourist zone, ecotourism, village, population, investments, qualified personnel, credit, credit card, e-commerce, trade, public catering, enterprise, yard, hotel.

Кириш. Дам олиш вақти ҳар қандай шаҳарлик учун қишлоқдами ёки дала ҳовлидами жуда ҳам мароқлидир. Тадқиқотимизнинг таҳлил натижалари қишлоқ туризмидан ўзига хос томонлари мавжудлигини кўрсатади. Масалан, Сицилиянинг аграр вилоятларида ишчи кучи етишмаслиги туфайли камбағал туристлар ёки студентларни иш ҳақи тўламасдан, бошпана ва овқат учун ишга ёллаши мумкин. Бундай «дам олувчи» ўша ерга бориб қайтиши учун маблағ топса бўлгани. Йўл-йўлакай бир-икки кун пляжларда чўмилиши, музейлар, ёдгорликлар ва шу кабиларни кўриши мумкин [1].

Ҳозирги вақтда қишлоқ туризми алоҳида даромад келтирадиган тур ҳисобланиб, дунё туризм хизмат бозорида алоҳида ўрин тутаяди. Қишлоқ туризми денгиз курортлари каби катта ҳажмлар билан рақобатлаша олмаса ҳам, шунга қарамай, туризм ишларида алоҳида ўрин тутиб, уни ўрганиб ривожлантириш алоҳида эътибор-

га лойиқ. Республикамизда қишлоқ туризми йўқ даражада. Қишлоқлардаги аҳолининг самимийлиги, табиатнинг тозаллиги, экологик жиҳатдан қулайлиги туфайли унинг келажоғи бор. Лекин шунга қарамай, хорижий туроператорларнинг фидойилиги, туристларни ўз қишлоқларига тортиши, туристларни ўз халқи ва давлатининг ривожланиши учун олиб келиши, иш жойларини ташкил этишлари, ўз юртининг туристлик ресурсларини мустақамлаб, давлатга валюта олиб киришлари ва шу даромадларидан солиқлар тўлаб, хазинани тўлдиришлари таҳсинга лойиқ. Умуман, қишлоқларда турист бўлиб туриш, санаторий-курорт зоналарида ёки машҳур туристлик марказларга нисбатан анча арзон. Ҳамма ҳам қимматбаҳо туристлик марказларда дам ололмайдиган, шу жиҳатдан қишлоқ туризмидан ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Француз социологи ва иқтисодчиси Ф.Моане

томонидан яратилган концепцияга кўра, “қишлоқ туризми нафақат қишлоқ ҳаётида, балки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришда ҳам туристларнинг фаол иштироки билан боғлиқ қишлоқ жойларидаги туристик дам олишнинг махсус шаклидир” [2].

Е.Ванда Жорж, Х.Маир, Д.Г.Рейд фикрига кўра, “шаҳардан ташқарида қишлоқ ҳудудларида сайёҳларнинг асосий фаолият турлари қаторида локаллашган ҳаракатларнинг барчаси – қишлоқ туризмидир” [3].

А.Д.Чудновский ва М.А.Жукова қишлоқ туризмни “қишлоқ жойларига мақсадли саёҳатларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолият тури, туристлар учун туристик маҳсулотларни (турар жой, овқатланиш, диққатга сазовор жойлар, ҳордиқ чиқариш) шакллантириш ва тақдим қилишни ўз ичига олади, бу минтақаларнинг табиий ва миллий ўзига хослигини акс эттирувчи, маҳаллий аҳоли учун иш жойлари ва даромадларни яратиш ҳамда иқтисодий фойда келтирадиган фаолият тури” эканлигини таъкидлаб ўтган [4].

Т.Е.Гварлиани ва А.Н.Бородиннинг таъкидлашича, “қишлоқ туризми қишлоқ жойларда амалга ошириладиган ва одатдаги муҳитдан ташқарида бўлган, ушбу ҳудудда дам олиш ва бошқа мақсадлар учун саёҳат қилиб турадиган бир гуруҳ фуқароларнинг туристик фаолиятининг тури ҳисобланади” [5].

В.Г.Савенко, Г.М.Демишкевич, И.М.Карпова локал ёндашув асосида “қишлоқ туризми Россия Федерацияси фуқароларининг, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) доимий яшаш жойидан қишлоқ жойига тиббий,


рекреацион, таълим, спорт, касбий, ишбилармонлик ва бошқа соҳалардаги вақтинча яшаш жойидаги манбалардан олинadиган даромадлар билан боғлиқ фаолият билан шуғулланмасдан, диний ва бошқа мақсадларда амалга ошириладиган вақтинча саёҳатларини қамраб олувчи туристик ёки сайёҳлик туридир” деб изоҳ беришганлар [6].

Л.С.Сидали, А.Спиллер, Б.Шулзе “қишлоқ туризми деҳқончилик, боғдорчилик, балиқчилик ёки бошқа ҳар қандай қишлоқ хўжалиги бизнеси билан чамбарчас боғлиқ бўлган туризм дам олиш туридир” деб эътироф этишганлар [7].

С.Н.Казначеева, Е.А.Челнокова хорижий мамлакатларда қишлоқ туризми тажрибасини ўрганган ҳолда “Нидерландияда шаҳарларда яшовчи сайёҳларнинг 50 %гача бўлган қисми қишлоқда дам олишни хоҳлашади” деган хулосага келганлар [8]. Европада эксперт ҳисоб-китобларига кўра, қишлоқ туризми соҳасидан келадиган даромад сайёҳлик саноатининг умумий даромадларини 10-12 %дан 20-30 %гача [9] бўлган қисмини таъминламоқда.

Тадқиқот методологияси. Анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кўп омилли ва динамик таққослаш, даврийлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикада қишлоқ туризмни чуқур тадқиқ этиш учун туризм соҳасидаги харажатлар динамикасини таҳлил қилдик ва натижада 2005 йилдан 2015 йилгача монотон ўсганлигини, аммо 2016 йилда харажатлар ҳажми кескин камайгани ҳамда 2016 йилдан 2019 йилгача юқори суръатларда ўсиб борганини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда туризмга харажатлар, млн. АҚШ долларида

Ушбу трендни 2016 йилгача туризм соҳасини ривожлантириш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги, кўп жиҳатдан соҳа ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан тушунтириш мумкин. Юқоридаги 1-расмдан 2016 йилгача туризмга харажатлар секин ўсиб борганини

кўриш мумкин. 2016 йилдан бошлаб Президентнинг қатор фармон ва қарорларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш стратегик вазифага айланди. Айнан 2016 йилдан 2022 йилга-

ча бўлган даврда инфратузилмага киритилган инвестициялар ҳисобига туризм соҳасига қилинадиган харажатлар кескин ўсган ҳамда туризмнинг экспортдаги улуши динамикаси ошган [6].

Туризм тармоғи учун, айниқса, менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни си-

фатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларини такомиллаштириш бош вазифалар қилиб белгиланди (2-расм).

Туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари	
Туризм ривожланиши учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш	Туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш
Туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш (экологик, маърифий, гастрономик, спорт, соғломлаштириш, қишлоқ, ишбилармонлик, ўсмирлар ва ёшлар, оилавий туризм)	Туризм индустрияси субъектлари учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш. Қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш
Минтақаларда замонавий жаҳон стандартларига жавоб берадиган инфратузилмани шакллантириш	Халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорликни кенгайтириш
Менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш	Замонавий маркетинг воситаларини қўллаш, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш

2-расм. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

Манба: тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантириш мақсадида кузатилмаган янги йўналишлар жорий қилина бошланди. Президентимиз томонидан 2017 йил 5 декабрда “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли фармони[7] асосида республикамиз туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида Тошкент вилоятининг Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ташкил этилди. ЭТЗ ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш белгилаб олинди.

Бунга асосан: қишлоқ туризми учун замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминланган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини

жалб қилиш; ҳудуднинг экомўҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш; транспорт воситаларининг арзонлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (электропоезд, автобус), шу жумладан, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш; туристлар хавфсизлигининг қўшимча шароитларини, шу жумладан, туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлантириш тизимларини ташкил этиш, минтақа ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш; эркин туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш; энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш вазифаларини қўйди.

Энг асосийси, қишлоқ туризми иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар

тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва улар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар татбиқ этилди.

Шу билан биргаликда, бу босқичда энг аҳамиятли томонларидан бири туристик фаолиятни тартибга солиш учун янгиланган ва қайта ишланган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сонли қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинди [8].

Шу ўринда айтиш мумкинки, қишлоқ туризмнинг куйидаги хусусиятлари туристларда қизиқиш уйғотган бўлиши мумкин:

– туристларнинг асосий мотивацияси қишлоқ табиатини кузатиш ва баҳолаш;

– қишлоқ табиий ва ижтимоий-маданий муҳитига қизиқишнинг ортиб бориши;

– қишлоқларда қон-қариндошлик, диний қадамжоларга зиёрат, тўй маросимлари, ҳар хил қишлоқ спорт ўйинлари (масалан кураш, кўпкари ва ҳ.к.), қовун сайли каби қадриятлар билан яқиндан танишиш;

– қишлоқ ҳудудларида мавжуд фермер кластерларининг фаолиятини ўрганиш кабилар.

Тадқиқотларимизнинг таҳлил натижалари кўрсатишича, 2022 йилда мамлакатимизда

қишлоқ аҳоли пунктлари сони 11006 тани ташкил қилган. Самарқанд вилояти кесимида эса қишлоқ аҳоли пунктлари сони 1854 тадан иборат кўрсаткичга эга. Бу қишлоқ пунктлари ҳудудларида мавжуд барча табиий, маданий ва ижтимоий характерни ўзида мужассам этган туристик ресурслар республикаимизда ривожлантирилиши стратегик вазифага айланган қишлоқ туризмни ривожлантириш ва ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга ижобий таъсир этмасдан қолмайди. Шу нуқтаи назардан тадқиқотимизда 2018-2022 йиллар кесимида Самарқанд вилояти мисолида қишлоқ туризмни ривожланиш динамикасини таҳлил қилдик. 2019 йилда бошланган “Covid-19” коронавирус пандемияси қишлоқ туризмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди, аммо 2021 йилдан бошлаб қишлоқ туризми мақсадида саёҳат қилган туристлар сони икки, уч барабарга ўсиб борган. Қишлоқ туризми соҳасида банд ходимлар сони, қишлоқ туризми субъектлари сони ва қишлоқ туризмидан олинган даромадлар ҳам ўсиш тенденциясини намоён қилган.

1-жадвал

Самарқанд вилоятида қишлоқ туризмнинг ривожланиш ҳолати [9]

№	Кўрсаткичлар	Йиллар:					Ўзгариш ҳолати 2022 йилда 2018 йилга нисбатан (-; +)
		2018	2019	2020	2021	2022	
1	Вилоятга ташриф буюрган жами қишлоқ сайёҳларининг сони, киши	142023	181853	41286	82326	110436	-31587
2	Қишлоқ туризмида банд ходимлар, киши	525	623	560	684	741	+ 216
3	Қишлоқ туризми субъектлари сони	34	63	51	59	76	+42
4	Қишлоқ туризмидан олинган даромад, млрд. сўм	7,17	14,25	6,4	10,2	15,7	7,10

Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Самарқанд вилояти қишлоқ ҳудудларида жойлашган қишлоқ туризми объектларидан бепартиб ва экологик, санитария-гигиена қоидаларига нисбатан зид муносабатда фойдаланиш, бузуқ йўл платформаси, транспорт, меҳмонхоналарга хос тўлиқ шаклланмаган инфратузилмнинг мавжудлиги, турли мулк шакллариининг тартибга солинмаганлиги ўзига хос муаммоларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Масалан, қишлоқ ҳудудларига узоқ муддатли инвестицияларни киритиш, меҳмонхоналар сонини кўпайтириш, реконструкция ишларини амалга ошириш борасидаги муаммолар қишлоқ туризмни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирларни рағбатлантиришга тўсиқ ҳосил қилмоқда.

Ташкилий-иқтисодий механизм қишлоқ туризмни ривожлантирувчи маълум мақсадга эришиш усули бўлиб, танланган хатти-ҳаракат-

лар йўли саналади. Умуман олганда, қишлоқ туризмнинг ривожланишини тартибга солиш йўналишларидан бири сифатида ушбу соҳада ишлаб чиқилган сиёсат ҳисобланади ҳамда бу туристик фаолиятнинг турли жиҳатларига тааллуқли бўлган қоидалар ва меъёрлар йиғиндисини акс эттиради. Уларнинг мазкур туризм турига нисбатан бўладиган таъсири юқори ҳамда турли даражаларда бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, истиқболда ривожланадиган қишлоқ туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг институционал механизми ва йўналишлари куйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, қишлоқ туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг механизми қишлоқ жойларида туризм фаолиятини амалга ошириш учун аниқ шарт-шароитларда қўйилган мақсадга эришиш усуллари ва чора-тадбирлари

бўлиб, уларга қишлоқ туризми фаолиятини лицензиялаш тартиби, қишлоқ туризмида нархни шакллантириш ва солиққа тортиш кабилардан ташкил топади. Бунда тартибга солиш механизмининг мақсади мазкур вазиятда мақбул ечимни танлашдан иборат.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ туризмини ривожлантиришни давлат йўли билан тартибга солиш механизмининг самарали натижалар бериши учун мамлакатимиз қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш инфратузилмаси такомиллаштирилган бўлиши лозим, бунга бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши, масалан, кредит карталари орқали тўловлар, интернет-савдо, янги қишлоқ савдо марказлари, қишлоқ овқатланиш корхоналари, қишлоқ ҳовли меҳмонхоналарнинг ташкил этилиши, таълим хизматларини кенгайти-

риш, дам олиш соҳасидаги танловнинг кенгайтиши каби омиллар таъсир кўрсатади.

Қишлоқ туризмини давлат йўли билан тартибга солиш ва уни ривожлантириш асосида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

– мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш натижасида туристик хизматларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

– қишлоқ аҳолисида тадбиркорлик фаолияти шаклланишига мотивация бериш;

– қишлоқ аҳолисининг кўшимча даромадлари ошишини таъминлаш;

– қишлоқ жойларда туристик хизматларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш кабилар.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг самарали натижавий кўрсаткичлари институционал механизмлар каби прагматик характерга эга чора-тадбирларни амалга оширишга боғлиқ ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амридинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010. – 247 б.
2. Муане Ф. Сельский туризм. / Ф.Муане. – Париж: Агриколь, 2012. – 430 с.
3. Wanda George E. Rural Tourism Development: Localism and Cultural Change (Tourism and Cultural Change). / E.Wanda George, H.Mair, D.G.Reid. – Bristol, Buffalo, Toronto: Channel View Publications, 2009. – 288 p.
4. Чудновский А.Д. Управление потребительскими предпочтениями в сфере отечественного туризма и гостеприимства и основные направления реализации туристского продукта. Учебное пособие. / А.Д.Чудновский, М.А.Жукова. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 304 с.
5. Гварлиани Т.Е. Сельский и аграрный туризм как специфические виды туризма. / Т.Е.Гварлиани, А.Н.Бородин. // ТЕККАЕСОММТШ. 2011. 9 Т. № 4. С. 61-65.
6. Савенко В.Г., Демишкевич Г.М., Карпова И.М., Шилова Е. Сельский туризм. Монография. – М., 2016 г. С. 23-27.
7. Sidali L.S. Food, Agri-Culture and Tourism: Linking Local Gastronomy and Rural Tourism: Interdisciplinary Perspectives. / L.S.Sidali, A.Spiller, B.Schulze. – Heidelberg, Dordrecht, London, New York: Springer Science, 2011. – 197 p.
8. Казначеева С.Н., Челнокова Е.А., Коровина Е.А. Агротуризм как одно из перспективных направлений индустрии туризма. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2017. № 3-2. С. 248-252.
9. Ковалевская В.В. Агротуризм – новый вид туризма? / В.В.Ковалевская. Текст: непосредственный. // Проблемы современной экономики: материалы I Междунар. науч. конф. – Челябинск: Два комсомольца, 2011. С. 177.
10. <https://www.macrotrends.net/countries/UZB/uzbekistan/tourism-statistics>
11. www.Lex.uz
12. www.uzbektourism.uz ва “Tourism in Uzbekistan 2022” статистик тўплами маълумотлари.



doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a68

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ИМКОНИАТЛАР ВА МУАММОЛАР

Гулямова Гулнора Патахкамаловна - и.ф.н. Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган, унга таъсир этувчи омиллар ва имкониятлар кўрсатиб берилган. Турли муаллифлар томонидан диний туризм, зиёрат туризми, ислом туризми каби тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил этилган. Шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантиришда кластерларни шакллантириш бўйича муаммолар таҳлил этилган, туристик кластерлар моҳияти очиб берилган. Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ёритилган. Зиёрат туризми кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: зиёрат туризми кластери, диний туризм, зиёрат туризми, диний экскурсия туризми, туризм инфратузилмаси, туризмни ривожлантириш концепцияси, ҳалол стандарт.